ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ФОРИШ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
FORISH TUMANI
HOKIMI
QARORI

" 30 " сентябр 2020 йил 1926-сон Боғдон ш.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланаган "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига асосан аҳолининг бандлигига кўмаклашиш мақсадида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда - муҳтожлар деб аталади) учун иш ўринларининг энг кам сони йигирма нафар

кишидан ортиқни ташкил этадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (кейинги ўринларда - ташкилот деб аталади) 2021 йил учун 3 фоиздан 10 фоизгача миқдорида жами 183 та иш ўринлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – 10 фоиз (28 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – 10 фоиз (91 киши);

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – 10 фоиз (15 киши);

ногиронлар учун – 3 фоиз (3 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – 10 фоиз (28 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – 10 фоиз (8 киши);

одам савдоси қурбонлари учун – 10 фоиз (10 киши);

2. Ташкилот раҳбарларига йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаш, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилиш ҳамда муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу ҳақда туман Бандликка кўмаклашиш марказини биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилиш вазифаси юклансин.

3. Ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига ушбу Низомга мувофиқ белгиланган шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этиб борсин.

4. Ташкилот раҳбарлари муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини ҳамда иш жойларини санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахслари мазкур Низомнинг 21-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

6. Белгилансинки, муҳтожлар учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича туман ҳокимининг қарори бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш ташкилотни захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини яратиш бўйича мажбуриятдан озод қилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланаган "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш белгилансин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ж.Жиянов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли ташкилот раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 27 сентябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида"ги 4397-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. "Фориш тонги" таҳририяти (Р.Каримов)га мазкур қарорни расмий нашрда чоп этиш ва ҳокимликнинг www.forish.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Тўйчиев) зиммасига юклатилсин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А. Мустанов**

Туман хокимининг
2020 йил 30 сентябрдаги
1926 - сонли қарорига ИЛОВА

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдорларини яратадиган корхона, ташкилот ва муассасалар

РЎЙХАТИ

№	Корхона, ташкилот ва муассасалар	Корхона манзили	Белгиланган квота		01.08.2020 йил холатига ишловчи ходимлар сони	Жами яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари	Шу жумладан						
			3%	10%			Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбини эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	Ногиронлар учун	Пенсиядаги ёшдаги шахслар учун	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун	Одам савдоси қурбонлари учун
1	Ободонлаштириш бошкармаси	Боғдон МФЙ	1	14	190	15	3	3	2	1	2	2	2
2	"GOLDEN TERRITORY" МЧЖ	Эгизбулоқ МФЙ		2	36	2	1	1					
3	Маданият бўлими	Боғдон МФЙ		1	35	1		1					
4	"MEGA INVEST INDUSTRIAL" МЧЖ	Эгизбулоқ МФЙ		10	197	10	2	4	1		2		1
5	"ZAMONAVIY QURILISH SERVIS"	Боғдон МФЙ		3	60	3		1	1		1		
6	Ахборот кутубхона маркази	Боғдон МФЙ		1	22	1	1						
7	Фориш тумани "NUROTA" давлат қўриқхонаси	Боғдон МФЙ		2	47	2		1				1	
8	Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	Боғдон МФЙ		6	118	6	1		1		1	2	1
9	Фориш туман "Баркамол авлод" болалар маркази	Боғдон МФЙ		1	28	1		1					
10	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Боғдон МФЙ		1	28	1		1					
11	Туман Халқ таълими бўлими	Боғдон МФЙ		2	50	2		1			1		
12	Санитария эпидемиология осойишталик маркази	Боғдон МФЙ		2	48	2					1	1	
13	Туман тиббиёт бирлашмаси	Боғдон МФЙ	2	28	1296	30	5	7	4	2	5	2	5
14	1-сон "Ғунча" ДМТМ	Боғдон МФЙ		2	54	2	1	1					
15	2-сон "Бинафша" ДМТМ	Боғдон МФЙ		1	33	1	1						
16	3-сон "Бойчечак" ДМТМ	Боғдон МФЙ		3	60	3	1	2					
17	4-сон "Гулдаста" ДМТМ	А.Темур МФЙ		1	30	1					1		
18	5-сон "Лола" ДМТМ	Э.Камолов МФЙ		1	31	1					1		
19	18-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби	Ок тепа МФЙ		2	39	2		1			1		
20	1-мактаб	Боғдон МФЙ		4	82	4	1	2	1				
21	2- мактаб	Осмонсой МФЙ		2	43	2	1	1					
22	3-мактаб	Осмонсой МФЙ		2	47	2		1			1		
23	4- мактаб	Эгизбулоқ МФЙ		1	34	1	1						
24	5- мактаб	А.Темур МФЙ		1	47	1							1
25	6- мактаб	Осмонсой МФЙ		2	37	2	1	1					
26	7- мактаб	Осмонсой МФЙ		2	50	2		2					
27	8- мактаб	Эгизбулоқ МФЙ		2	45	2	1	1					
28	9- мактаб	Қизилқум МФЙ		3	60	3	1	1	1				
29	10- мактаб	Учқулоч МФЙ		2	55	2		1	1				
30	11- мактаб	А.Темур МФЙ		2	45	2		1			1		
31	12- мактаб	А.Темур МФЙ		2	52	2		2					
32	13-мактаб	Ўхум МФЙ		1	29	1		1					
33	14- мактаб	Ўхум МФЙ		2	44	2		1	1				
34	15- мактаб	Эгизбулоқ МФЙ		1	55	1		1					
35	16 -мактаб	Эгизбулоқ МФЙ		1	51	1		1					
36	17- мактаб	А.Темур МФЙ		1	39	1		1					

37	18- мактаб	Гараша МФЙ		1	28	1		1					
38	19- мактаб	А,Темур МФЙ		1	38	1		1					
39	20- мактаб	Осмонсой МФЙ		2	40	2		1			1		
40	21- мактаб	Осмонсой МФЙ		1	37	1		1					
41	22- мактаб	Осмонсой МФЙ		1	29	1		1					
42	23- мактаб	Осмонсой МФЙ		1	27	1		1					
43	25- мактаб	А Темур МФЙ		2	40	2	1	1					
44	26- мактаб	Эгизбулок МФЙ		1	29	1		1					
45	27- мактаб	А,Темур МФЙ		1	31	1		1					
46	28- мактаб	А,Темур МФЙ		1	33	1		1					
47	29- мактаб	- Осмонсой МФЙ		2	44	2		1	1				
48	30-мактаб	Осмонсой МФЙ		2	40	2		1			1		
49	31- мактаб	Ўхум МФЙ		1	30	1		1					
50	32- мактаб	Ўхум МФЙ		1	32	1		1					
51	33- мактаб	Э.Камолов МФЙ		3	64	3		2			1		
52	35- мактаб	Эгизбулок МФЙ		2	43	2	1	1					
53	37-мактаб	Гараша МФЙ		1	29	1		1					
54	38- мактаб	Гараша МФЙ		2	40	2		1			1		
55	40- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	32	1		1					
56	43-мактаб	Гараша МФЙ		1	31	1		1					
57	44- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	32	1		1					
58	46- мактаб	Ўхум МФЙ		2	46	2		1	1				
59	47- мактаб	А Темур МФЙ		1	33	1		1					
60	49- мактаб	Ўхум МФЙ		2	42	2		2					
61	50-мактаб	Дарвоза МФЙ		1	24	1		1					
62	51- мактаб	А,Темур МФЙ		1	27	1		1					
63	55- мактаб	А,Темур МФЙ		2	43	2		2					
64	56- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	30	1		1					
65	59- мактаб	Учқулоч МФЙ		3	72	3	2	1					
66	61- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	32	1		1					
67	62- мактаб	Қораобдол МФЙ		2	39	2	1				1		
68	64- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	38	1		1					
69	65- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	33	1		1					
70	66- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	38	1		1					
71	67- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	39	1		1					
72	68- мактаб	Қораобдол МФЙ		2	40	2		1			1		
73	69- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	38	1		1					
74	70- мактаб	Қораобдол МФЙ		2	41	2		1			1		
75	71- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	27	1					1		
76	72- мактаб	Қораобдол МФЙ		2	47	2		1			1		
77	73- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	35	1		1					
78	74- мактаб	Қораобдол МФЙ		1	28	1		1					
79	75- мактаб	Гараша МФЙ		1	34	1		1					
80	76- мактаб	Гараша МФЙ		1	30	1		1					
81	77- мактаб	Гараша МФЙ		1	39	1		1					
82	78- мактаб	Гараша МФЙ		2	58	2	1	1					
83	79- мактаб	Гараша МФЙ		2	40	2		1			1		
	Жами:		**3**	**180**	**4328**	**183**	**28**	**91**	**15**	**3**	**28**	**8**	**10**